

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТ ҚОШИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/05.05.2023.Tib.102.03
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ИШАНКУЛОВ ОДИЛ АЗАМКУЛОВИЧ

**БИЛИАР ПАНКРЕАТИТНИ ЖАРРОҲЛИК ДАВОЛАШ УСУЛИНИ
ТАНЛАШДА ДИФФЕРЕНЦИАЛ ЁНДАШУВ**

14.00.27 – Хирургия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2025 йил

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor philosophy (PhD)

Ишанкулов Одил Азамкулович

Билиар панкреатитни жарроҳлик даволаш усулини танлашда дифференциал ёндашув 3

Ишанкулов Одил Азамкулович

Дифференцированный подход к выбору метода хирургического лечения билиарного панкреатита.....26

Ishankulov Odil Azamkulovich

Differentiated approach to the choice of surgical treatment method for biliary pancreatitis..... 48

Нашр этилган илмий ишлар руйхати

Список опубликованных работ

List of published works 53

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТ ҚОШИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/05.05.2023.Tib.102.03
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ИШАНКУЛОВ ОДИЛ АЗАМКУЛОВИЧ

**БИЛИАР ПАНКРЕАТИТНИ ЖАРРОҲЛИК ДАВОЛАШ УСУЛИНИ
ТАНЛАШДА ДИФФЕРЕНЦИАЛ ЁНДАШУВ**

14.00.27 – Хирургия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2025 йил

Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.4.PhD/Tib4133 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертациянинг уч тилдаги (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) автореферати Илмий Кенгаш веб саҳифаси (www.sammu.uz) ва «Ziyonet» (www.ziyonet.uz) ахборот-таълим порталида жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Курбаниязов Зафар Бобожонович**
тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Расмий оппонентлар: **Саттаров Ойбек Тохирович**
тиббиёт фанлари доктори, доцент
Давлатов Салим Сулайманович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **И.И.Мечников номидаги шимолий-ғарбий Санкт-Петербург давлат тиббиёт университети (Россия Федерацияси)**

Диссертация ҳимояси Самарқанд Давлат тиббиёт университети ҳузуридаги илмий даражаларлар берувчи DSc.04/05.05.2023.Tib.102.03 рақамли Илмий Кенгашнинг 2025 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 140100, Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд шаҳри, Анкабай кўчаси, 6-уй. Тел.: (+99866) 233-08-41; факс: (+99866) 233-71-75; e-mail: sammu@sammu.uz

Диссертация билан Самарқанд Давлат тиббиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№. _____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 140100, Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 18-уй. Тел.: (+99866) 233-08-41; факс: (+99866) 233-71-75;

Диссертация автореферати 2025 йил «_____» _____ да тарқатилди.
(2025 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Н.Н.Абдуллаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

К.В.Шмырина

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

С.Э. Мамараджабов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. ЖССТ маълумотларига кўра, ошқозон ости беши ўткир яллиғланишлари кузатувларининг 26 – 60 % и билиар генезли панкреатит улушига мос келади. Панкреатит ривожланишининг асосий этиологик омилларидан бири жигардан ташқари ўт йўллариининг касалликлари ҳисобланади. Ўткир билиар панкреатитнинг сурункалига ўтиши 43 % ҳолатларда кузатилади. “Билиар” панкреатит патогенезининг етакчи омилларига жигардан ташқари ўт йўллари ва ошқозон ости беши чиқарув йўлларида оқимнинг бузилиши, ҳамда билиар – панкреатик рефлюкс юзага келиши орқали панкреатик каналчаларда гипертензия ривожланиши ҳисобланади. Панкреатобилиар тизимнинг анатомик ва функционал боғлиқлиги ўт тош касаллигида ўткир панкреатитнинг жуда тез ривожланиши учун зарур шароит юзага келтиради. Касалликнинг дастлабки босқичларида панкреатобилиар гипертензиянинг юзага келтирувчи омилларини аниқлаш ва панкреатодуоденал соҳа аъзоларидаги органик ва функционал ўзгаришларни ташхислаш мезонларини аниқлаш масалалари охиригача ўрганилмаган. Ошқозон ости беши каналчаларида гипертензия пайдо бўлишининг морфологик субстрати сифатида кўпинча билиар тошлар ташхис қилинади, улар эса ўз навбатида «транзитор» ўтиш даврида, ёки катта дуоденал сўрғичда қисилганда бош панкреатик канал кириш қисмининг босилиши натижасида ўткир панкреатит юзага келиши учун мойиллик қилади.

Ўзбекистонда ҳам ўткир панкреатит билан касалланиш ҳолатлари ортиб бормоқда, айниқса, кеч ташхис қўйиш, етарлича диагностик ускуналар етишмаслиги ва оғир ҳолатларда беморларни марказлаштирилган тиббиёт муассасаларига кечикиб олиб келиниши оқибатида жарроҳлик аралашуви зарурати кўп кузатилади. Мамлакатимизда шифокорлар томонидан ўткир панкреатитни даволашда замонавий минимал-инвазив технологияларни жорий этишга қаратилган ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, ҳар бир беморда клиник-лаборатория кўрсаткичлар ва асоратлар хусусиятига қараб дифференциал ёндашувни қўллаш, шунингдек, прогнозлашнинг локал алгоритмларини яратиш амалиёт самарадорлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ушбу йўналишда, хусусан, билиар панкреатит билан беморларда жарроҳлик даволаш натижаларини яхшилашда ижобий натижаларга эришилмоқда. Шу муносабат билан, 2022-2026 йилларда мамлакат ривожланиши стратегиясида «...аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш ва 2022-2026 йилларда соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш дастурини тадбиқ этишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуини амалга ошириш...»¹ каби вазифалар

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли «2022 - 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга ошириш, жумладан, диагностика ва жарроҳлик тактикасини мақбуллаштириш орқали билиар панкреатит билан беморларда жарроҳлик даволаш натижаларини яхшилаш, жарроҳлик даволаш усулларини такомиллаштириш устувор йўналишлардан бири бўлиб қолмоқда.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 16-июндаги «Аҳолига шошилич тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги ПҚ-283-сон қарори билан тасдиқланган вазифалар ижросига маълум даражада хизмат қилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2021-йил 26-июлдаги ПҚ-5198-сон Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 30-сентябрдаги 832-сон қарори; 2019-йил «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети томонидан қопланадиган тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмлари рўйхатини шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори ҳамда ушбу соҳада қабул қилинган бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти хизмат қилган.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Билиар панкреатит — гастроэнтерология ва шошилич жарроҳлик соҳаларидаги долзарб патологиялардан бири бўлиб, унинг патогенезида жигар-ўт йўлларидаги тошлар (холелитиаз) ва холедохнинг тўсиқланиши орқали панкреатик ферментларнинг аномал фаоллашуви асосий роль ўйнайди (Acosta & Ledesma, 2021; UK Working Party, 2015). Сафронинг панкреатик йўлга ретроград кириши паренхимага зарар етказиб, ферментатив автолизни кўзғайди. Шу сабабли, билиар панкреатит клиникаси тез суръатда оғирлашувчи шаклда кечиши ва тезкор ташхис ҳамда даволашни талаб қилади.

Кейинги йилларда билиар панкреатитни даволашда жарроҳлик тактикасини танлаш борасида бир қатор тадқиқотлар олиб борилди. ERCP ва папиллосфинктеротомия биринчи босқичда қўлланилганда холедохдаги тўсиқни олиб ташлаш орқали ҳолатни барқарорлаштириш мумкинлиги кўрсатилган (Тоouli et al., 2010; Neoptolemos et al., 2008). Шу билан бирга, лапароскопик холецистэктомиyani шошилич равишда ўтказиш — рецидивларни олдини олишда ва яқин муддатли клиник натижаларда самарали эканлиги аниқланган (Frey et al., 2020).

Бироқ, ушбу жарроҳлик усулларини қўллаш пайти, кетма-кетлиги ва беморнинг ҳолатига мос равишда индивидуал танлов қилиш масаласи ҳанузгача баҳслидир. Баъзи тадқиқотчилар шок ва сепсис хавфи юқори

бўлган ҳолатларда биринчи навбатда ERCP билан декомпрессияни тавсия қилган бўлса (Tenner et al., 2013), бошқалар оғир бўлмаган ҳолатларда ERCPсиз ҳам лапароскопик холецистэктомияни дастлабки танлов сифатида кўрсатади (Sarela et al., 2015). Бунда бемор ёши, BISAP ва Ranson баҳолаш шкалаларига кўра оғирлик даражаси, сопул патологик ҳолатлар ҳисобга олинади.

Жаҳон тажрибасида дифференциал ёндашувни асослаш мақсадида клиник алгоритмлар таклиф қилинган бўлиб, уларда даволашнинг модуллашган стратегик ёндашуви белгиланган (Banks et al., 2013; IAP/APA Guidelines, 2013). Ўзбекистонда ҳам сўнгги йилларда билиар панкреатитни эрта ташхислаш ва оптимал жарроҳлик тактикаси танлашга қаратилган қатор амалий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Аммо умумэътироф этилган миллий протоколларни яратиш, турли даволаш усулларининг прогностик қийматини баҳолаш учун кўпроқ клиник тадқиқотлар талаб этилади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат тиббиёт университети наъмунавий дастурнинг «Шикастланишлар, жарроҳлик касалликлари ва ўсмаларнинг олдини олиш, диагностика қилиш ва даволаш бўйича замонавий технологияларни яратиш ва жорий этиш» (Давлат рўйхати №012400287) бўйича режалаштирилган тадқиқот ишлари доирасида амалга оширилган (2024-2028).

Тадқиқотнинг мақсади ўткир ва сурункали билиар панкреатит билан огриган беморларда каминвазив аралашув усулларини устувор қўллаш ҳисобига жарроҳлик даволаш натижаларини яхшилашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ўткир ва сурункали билиар панкреатит ривожланишининг этиопатогенетик омилларини ўрганиш;

билиар этиологияли панкреатитни тасдиқлаш учун зарур бўлган текшириш усуллари ҳажмини аниқлаш, ҳамда диагностик алгоритмни ишлаб чиқиш;

ўткир ва сурункали билиар панкреатитда каминвазив аралашувларни устувор қўллаш орқали жарроҳлик даволаш усулини танлашга дифференциал ёндашувни ишлаб чиқиш;

жарроҳлик даволашнинг каминвазив ва анъанавий усулларида кейинги беморлар яшаш сифатини ўрганиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2018 - 2023 йиллар давомида, Самарқанд давлат тиббиёт университети Кўп тармоқли клиникаси, ҳамда Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмаси жарроҳлик бўлимларида билиар панкреатит ташхиси тасдиқланган 116 нафар бемор олинди.

Тадқиқотнинг предмети ўткир ва сурункали билиар панкреатит билан бўлган беморларнинг текшириш ва жарроҳлик даволаш натижаларини таҳлил қилиш ташкил этди.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда кўрсатилган мақсадга эришиш ва қўйилган вазифаларни бажариш учун қуйидаги усуллардан фойдаланилди: умумий клиник, инструментал (нурли ва эндоскопик) ва статистик тадқиқот усуллари.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

холедохолитиаз, микрохоледохолитиаз ва Одди сфинктери функциясининг бузилиши, ҳамда уларни биргаликда келишининг оқибати сифатида билиар панкреатит ривожланишининг этиопатогенетик омиллари аниқланган;

замонавий нурли ва эндоскопик диагностика чора – тадбирларининг комплекси ишлаб чиқилган, билиар панкреатитда сафро микроскопиясининг зарурати асосланган;

билиар панкреатитнинг ўткир ва сурункали шаклларида трансдуоденал эндоскопик ва лапароскопик технологиялар, ҳамда уларнинг биргаликда қўллаш орқали жарроҳлик даволашни танлашга дифференциал ёндашув ишлаб чиқилган;

ўткир ва сурункали билиар панкреатитнинг операциядан кейинги эрта ва кечки даврлардаги даволаш натижаларига кўра миниинвазив технологиялар ва уларни биргаликда қўллашнинг самарадорлиги клиник жиҳатдан асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

билиар панкреатит юзага келиш этиопатогенетик омилларининг аниқланиши даволаш тактикасини дифференциал танлашга имкон беради;

морфологик текширувлар билан тўлдирилган, эндоскопик ва радиологик усулларни ўз ичига олган билиар панкреатит ташхисини тасдиқловчи диагностик алгоритмнинг ишлаб чиқилиши билиопанкреатодуоденал соҳадаги мавжуд патологик ўзгаришларнинг органик ва функционал табиатини фарқлаш имконини беради;

миниинвазив трансдуоденал эндоскопик ва лапароскопик технологиялар, ҳамда уларни биргаликда дифференциал қўлланилиши ўткир ва сурункали билиар панкреатитни даволаш натижаларини яққол яхшиланиши, беморларни даволаш муддатининг қисқартириш имконини берди;

миниинвазив аралашувлар бажарилганда оғриқ синдроми ва диспептик бузилишларнинг камайиши фонида меҳнат фаолияти, ҳамда жисмоний фаолликнинг анчагина тез қайта тикланиши кузатилади.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги илмий-тадқиқот ишида фойдаланилган замонавий, бир бирини тўлдирувчи ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, қўлланилган усулларнинг халқаро ҳамда маҳаллий муаллифлар маълумотлари билан таққосланганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олинган хулосалар ва таклифлар назарий

аҳамиятга эга эканлиги билан белгиланади, бу билиопанкреатик канал касалликлари клиник кечишини ўзаро оғирлаштирувчи билиар панкреатит билан беморларни жарроҳлик даволаш хусусиятларини ўрганишга катта ҳисса қўшади. ЎТК ва КДС стриктуралари билан боғлиқ бўлган билиар генезли ўткир ва сурункали панкреатитнинг этиопатогенетик омиллари аниқланган. Панкреатобилиар йўл тизими обструкцияси сабабларини аниқлаш имконини берувчи, визуализациянинг радиологик усуллари, дуоденоскопия билан биргаликда гистологик текширув ва сафро микроскопиясини ўз ичига олган диагностик чора – тадбирлар комплекси ишлаб чиқилган. Касаллик этиопатогениза кўра эндоскопик, транспапилляр ва лапароскопик аралашувларни қўллаш орқали жарроҳлик даволаш усулини танлашга дифференциал ёндашув таклиф этилган. Амалиёт ўтказилган беморлар яшаш сифатининг кўрсаткичлари ўрганилган ва билиар панкреатит билан беморларни даволашда миниинвазив аралашувларнинг устунлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, ўтказилган тадқиқот давомида билиар панкреатит билан беморларни даволашнинг тактик ва техник жиҳатлари ишлаб чиқилган. Клиника амалиётига эндоскопик транспапилляр аралашувлар ва сафро йўлларида лапароскопик операциялар жорий қилинган. Билиар панкреатит билан беморларни даволашга дифференциал ёндашунинг ишлаб чиқилиши операциядан кейинги асоратларнинг камайиши ва беморлар реабилитацияси даврининг қисқариши орқали даволаш натижаларини яққол яхшилаш имконини берди.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Замонавий миниинвазив технологиялардан фойдаланган ҳолда ўткир ва сурункали билиар панкреатитда жарроҳлик тактикасини танлашга дифференциал ёндашув — Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2024 йил 25 октябрдаги №10/03-сонли хулосаси асосида амалиётга татбиқ этилган.

биринчи илмий янгилик: холедохолитиаз, микрохоледохолитиаз ва Одди сфинктери функциясининг бузилиши, ҳамда уларни биргаликда келишининг оқибати сифатида билиар панкреатит ривожланишининг этиопатогенетик омиллари аниқланган; Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ Самарқанд бекати бирлашган касалхонасининг (01.10.2024 й. №11), Самарқанд вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказининг (16.10.2024 й. №376-U) амалиётига тадбиқ этилди. Тадқиқот натижаларининг амалиётга татбиқ этилиши кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини яхшилашга, операциядан кейинги вақтини, амалиётдан кейинги асоратлар частотасини ва даволанишнинг реабилитация даврини камайтиришга имкон берган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: холедохолитиаз, микрохоледохолитиаз ва Одди сфинктери функциясининг бузилиши каби этиопатогенетик омилларни эрта аниқлаш орқали билиар панкреатитнинг оғир шакллари олдани олиш, беморларнинг меҳнат қобилиятини сақлаб қолиш, уларнинг ҳаёт сифатини

яхшилаш ва жамиятга фаол қайтишини тезлаштириш имкони яратилади. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: холедохолитиаз, микрохоледохолитиаз ва Одди сфинктери функциясининг бузилиши этиопатогенезда асосий омиллар сифатида аниқланиши ҳисобига билиар панкреатитни эрта босқичда аниқлаш ва мақсадли даволаш имкони туғилиб, оғир асоратларнинг олдини олиш ва беморни тўғри йўналтириш ҳисобига 1 нафар беморга бюджет маблағларини ўртача 980 000 сўмга, ҳамда бюджетдан ташқари маблағларни 1 460 000 сўмгача тежаш имконияти яратилди. Бу, ўз навбатида, стационарда қолиш кунларини қисқартириш, қайта госпитализациялар сонини камайтириш ва дори-дармон сарфини сезиларли даражада камайтиришга олиб келади. Хулоса: Холедохолитиаз, микрохоледохолитиаз ва Одди сфинктери функциясининг бузилиши каби этиопатогенетик омилларнинг аниқланиши билиар панкреатитнинг сабабларини эрта босқичда аниқлаш имконини яратиб, оғир шакллар ривожланишини 38% га камайтиришга хизмат қилди. Ташхис ва даволашдаги мақсадли ёндашув натижасида беморларни қайта госпитализация қилиш эҳтимоли 33% га камайди, стационарда қолиш муддати эса ўртача 27% га қисқарди.

Иккинчи илмий янгилик: замонавий нурли ва эндоскопик диагностика чора-тадбирларининг комплекси ишлаб чиқилган, билиар панкреатитда сафро микроскопиясининг зарурияти асосланган; Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ Самарқанд бекати бирлашган касалхонасининг (01.10.2024 й. №11), Самарқанд вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказининг (16.10.2024 й. №376-U) амалиётга татбиқ этилди. Тадқиқот натижаларининг амалиётга татбиқ этилиши кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини яхшилашга, операциядан кейинги вақтни, амалиётдан кейинги асоратлар частотасини ва даволанишнинг реабилитация даврини камайтиришга имкон берган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги: ушбу янгиликни амалиётга жорий этиш билиар панкреатит билан касалланган беморларда ташхис қўйишдаги ноаниқликлар ва кечиктирилган даволаш ҳолатларини камайтириш орқали уларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш, оғрик синдроми ва диспептик белгиларни тез бартараф этилишига эришиш, шу билан бирга, беморларнинг иш қобилиятини тиклаш ва жамиятга тез қайтиш имконини яратди. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: комплекс радиологик ва эндоскопик визуализация, сафро микроскопияси орқали обструкция манбасини аниқлаш имкони пайдо бўлиб, натижада ноаниқ ва такрорий ташхис чора-тадбирларининг олди олинди. Бу ҳисобга, ҳар бир беморга нисбатан бюджет маблағларини тахминан 860 000 сўмга, ҳамда бюджетдан ташқари маблағларни 1 280 000 сўмгача

тежаш имкони яратилди. Хулоса: замонавий нурли ва эндоскопик усуллар, шунингдек сафро микроскопиясини ўз ичига олган комплекс ташхис алгоритмини амалиётга жорий этиш натижасида билиар панкреатитнинг сабабларини аниқлашда ташхис қўйиш аниқлиги 27–32% га ошди, операциядан аввалги кечиктирилган ташхислар сони 46% дан 18% гача камайди, асоратлар ривожланиши 38% дан 19% гача туширилди, стационарда қолиш муддати 25% га қисқарди ва умумий тиббий харажатлар ўртача 43% га камайишига эришилди.

учинчи илмий янгилик: билиар панкреатитнинг ўткир ва сурункали шаклларида трансдуоденал эндоскопик ва лапароскопик технологиялар, ҳамда уларнинг биргаликда қўллаш орқали жарроҳлик даволашни танлашга дифференциал ёндашув ишлаб чиқилган; Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ Самарқанд бекати бирлашган касалхонасининг (01.10.2024 й. №11), Самарқанд вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказининг (16.10.2024 й. №376-U) амалиётига тадбиқ этилди. Тадқиқот натижаларининг амалиётга тадбиқ этилиши кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини яхшилашга, операциядан кейинги вақтини, амалиётдан кейинги асоратлар частотасини ва даволанишнинг реабилитация даврини камайтиришга имкон берган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги Таклиф этилган дифференциал ёндашув орқали билиар панкреатитнинг ҳар бир шакли учун мақсадли жарроҳлик тактикаси танланиши натижасида беморларда жарроҳликдан кейинги асоратлар камайди, шифохонада қолиш муддати қисқарди ва реабилитация жараёни тезлашди. Бу эса беморларнинг тезроқ соғлом ҳаёт тарзига қайтиши, иш қобилиятининг тикланиши ва жамиятдаги фаол иштирокини таъминлашга хизмат қилди. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: 1) беморларнинг стационарда бўлиш вақти камайган; 2) беморларда операциядан кейинги даврда асоратлар кам кузатилганлиги ҳисобига доривоситаларга эҳтиёж кам бўлган. Хулоса: Трансдуоденал эндоскопик ва лапароскопик технологияларни мақсадли қўллаш орқали ортиқча ташхис ва асоратли жарроҳлик ҳолатлари олдини олиниб, ҳар бир бемор учун стационарда қолиш муддати қисқарди. Натижада 1 нафар бемор ҳисобида бюджет маблағларини 10 200 000 сўмга, ҳамда бюджетдан ташқари маблағларни 15 700 000 сўмгача тежаш имкони яратилди.

тўртинчи илмий янгилик: ўткир ва сурункали билиар панкреатитнинг операциядан кейинги эрта ва кечки даврлардаги даволаш натижаларига кўра миниинвазив технологиялар ва уларни биргаликда қўллашнинг самарадорлиги клиник жиҳатдан асосланган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ Самарқанд бекати бирлашган касалхонасининг (01.10.2024 й. №11), Самарқанд вилояти кўп

тармоқли тиббиёт марказининг (16.10.2024 й. №376-U) амалиётига тадбиқ этилди. Тадқиқот натижаларининг амалиётга татбиқ этилиши кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини яхшилашга, операциядан кейинги вақтинин, амалиётдан кейинги асоратлар частотасини ва даволанишнинг реабилитатсия даврини камайтиришга имкон берган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги. Миниинвазив технологияларнинг операциядан кейинги даврларда юқори самарадорлиги исботланганлиги туфайли, уларни амалиётга жорий этиш орқали беморларда оғриқ камайиши, диспептик белгиларнинг тез бартараф этилиши ва қайта касалланиш ҳолатларининг камайиши таъминланди. Бу эса беморларнинг соғлом ҳаётга қайтиш муддатини қисқартириб, уларнинг иш қобилияти ва жамиятдаги фаоллигини тиклашга хизмат қилди. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги Миниинвазив технологияларнинг операциядан кейинги даврларда самарали қўлланилиши ҳисобига стационарда қолиш муддати ва реабилитация даври қисқарди. Бу, ўз навбатида, 1 нафар бемор учун бюджет маблағларини 1 140 000 сўмга, ҳамда бюджетдан ташқари маблағларни 1 680 000 сўмгача тежаш имконини яратди. Хулоса: Ўткир ва сурункали билиар панкреатитда операциядан кейинги эрта ва кечки даврларда миниинвазив технологияларнинг самарадорлигини клиник жиҳатдан асослаб, уларни амалиётга жорий этиш орқали шифохонада қолиш муддати ўртача 29% га, операциядан кейинги асоратлар сони 34% га, реабилитация даври эса 26% га қисқартирилди. Шунингдек, оғриқ синдроми ва диспептик белгиларнинг бартараф этилиши 40% га тезлашди. Ушбу янгиликни қўллаш натижасида 1 нафар бемор ҳисобидан бюджет харажатлари 31%, бюджетдан ташқари маблағлар эса 35% миқдориди камайтирилди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий конференцияларда, жумладан 3 та халқаро ва 1 та республика илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларни асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан 6 таси маҳаллий ва 1 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса, амалий тавсиялардан ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 120 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмда ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва талабгорлиги асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари белгиланган, тадқиқот объекти ва предмети хусусиятлари кўрсатилган, тадқиқот натижалари республиканинг илмий ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқ эканлиги кўрсатилган, илмий янгиликлар ва тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилинганлиги, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилиши ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг биринчи боби «Билиар панкреатитни жарроҳлик йўли билан даволашнинг замонавий жиҳатлари» деб номланиб, адабиётларнинг таҳлилидан иборат бўлиб, билиар панкреатитнинг моҳияти, беморлардаги унинг этиопатогенези, замонавий ташхис ва даволаш усуллари, шунингдек, мазкур патологияга эга бўлган беморларни бошқаришдаги долзарб масалалар очиб берилган. Ушбу бобда қайд этилганки, проток гипертензиясини жарроҳлик йўли билан тузатиш, ўт сафроси ва ошқозон ости беши секретиясининг нормал оқишини тиклаш учун патогенетик асосланган ёндашувни талаб қилади. Оптимал функционал натижаларга эришиш учун билиар генезли панкреатитда ташхис ва даволаш бўйича замонавий алгоритмни ишлаб чиқиш зарурлиги қайд этилган.

Диссертациянинг **иккинчи боби «Тадқиқот материали ва методлари»** деб номланиб, 2018-2023 йиллар давомида Самарқанд давлат тиббиёт университети кўп тармоқли клиникаси ва шаҳар тиббиёт бирлашмасида даволанган билиар генезли ўткир ва сурункали панкреатитга чалинган 116 нафар беморнинг текширув ва даволаш натижалари келтирилган.

Тадқиқот беморларнинг касаллик тарихлари ва клиник маълумотлари таҳлиliga асосланган. Тадқиқотга беморларни киритиш мезонлари куйидагиларни ўз ичига олган: холелитиаз фонида билиар гипертензия белгилари билан бирга клиник-инструментал тасдиқланган ўткир панкреатит мавжудлиги, ошқозон ости безининг ўринли ўзгаришлари (кисталар, умумий ўт йўлининг интрапанкреатик қисмидаги стриктуралар, индуратив панкреатит), панкреатобилиар гипертензия оқибатида ташқи секретия ёки эндокрин етишмовчилиги, жигар-ўт йўллари касаллиги ва умумий ўт йўлининг терминал қисмининг доброкачестваоли ўзгаришлари билан боғлиқ ҳолатлар.

116 нафар беморнинг 31 нафари (26,7%) эркаклар, 85 нафари (73,3%) эса аёллар бўлиб, уларнинг ёши 23 ёшдан 81 ёшгача (ўртача ёш $58,3 \pm 13,7$ йил) ташкил этган. Эркакларнинг ўртача ёши $59,1 \pm 14,4$ йил (20–81 йил), аёлларнинг эса $56,2 \pm 12,7$ йил (20–76 йил) бўлган. Эркак ва аёллар ўртасидаги нисбат 1:2,6 ни ташкил этган.

Оператив аралашувлар 94 нафар (81,1%) беморга амалга оширилган бўлса, 22 нафар (18,9%) беморга консерватив даволаш ўтказилган. Касалликнинг ўткир фазасида шошилишч кўрсатмалар бўйича 21 нафар

беморда жарроҳлик аралашуви амалга оширилган. Сурункали панкреатит бўйича жарроҳлик аралашувлари 73 нафар беморга ўтказилган (1-жадвал).

1 – жадвал

Танланган даволаш тактикасига кўра беморларнинг қиёслаш гуруҳлари

Жарроҳлик даволаш усуллари	Беморлар сони	
	абс.	%
Миниинвазив усуллар	71	75,5
Эндоскопик транспапилляр аралашувлар	18	19,1
Сафро йўлларидаги лапароскопик аралашувлар билан тўлдирилган эндоскопик транспапилляр аралашувлар	33	35,1
ЛХЭ, умумий ўт йўлини лапароскопик дренажлаш	18	19,1
ЛХЭ, эндоскопик транспапилляр аралашувлар билан тўлдирилган умумий ўт йўлини лапароскопик дренажлаш	2	2,1
Очиқ оператив аралашувлар	23	24,5
ХЭ, холедохолитотомия ва умумий ўт йўлини дренажлаш	16	17,0
ХЭ, холедохолитотомия, холедоходуоденоанастомоз	3	3,2
Бўйлама панкреатоеюностомия	2	2,1
Панкреатодуоденал резекция	2	2,1
Жами	94	100

Билиар панкреатит билан оғриган беморларни текшириш шикоятлар, касаллик анамнези, объектив текширув маълумотлари, лаборатор ва инструментал тадқиқот усуллари, шунингдек сўровномаларни ўрганиш асосида ўтказилди. (2– жадвал).

2 – жадвал

Беморларни текшириш усуллари

Текширув усули		Беморлар сони	
		абс.	%
Лаборатор текшириш усуллари	қоннинг биохимик кўрсаткичлари	116	100
	копрограмма	82	70,7
	онкомаркерлар даражаси	11	9,5
Ултрасонография		116	100
Фиброзофагогастроуденоскопия		116	100
Эндоскопик ретроград холангиопанкреатикография		51	43,9
Гистологик текширув		86	74,1
Фистулохолангиография		29	25,0
Компютерли томография		47	40,5
Магнит-резонансли томография		50	43,1
Сафро микроскопияси		20	17,2
Яшаш сифатини ўрганиш		94	81,0


Беморларда ташхис қўйиш босқичида ва операциядан кейинги турли даврларда умумий клиник таҳлиллар, қоннинг биокимёвий таркиби, коагулограмма ва протеинограмма кўрсаткичлари, шунингдек, ошқозон ости бези ферментлари даражаси аниқланган. Бу ошқозон ости безининг функционал ҳолатини кузатиб бориш имконини берган.

Барча 116 нафар беморга даволаш курси давомида ва кейинги динамик кузатув жараёнида асосий скрининг усули сифатида трансабдоминал ультрасонография ўтказилган. Беморларнинг барчасига ЭГДС ўтказилган, 51 нафар (43,9%) беморда эса ушбу текширув РПХГ (ретроград холангиопанкреатография) билан тўлдирилган (1-расм).

Магнит-резонанс томография холангиопанкреатикография режимида 50 нафар (43,1%) беморда ўтказилган (2-расм).



1 – расм. Эндоскопик ретроград панкреатохолангиография.. Бемор М., 62 ёш. Ретроград контрастлашда бош панкреатик йўлнинг 5 ммгача, ҳамда умумий ўт йўлининг 12 ммгача кенгайиши аниқланади.



2 – расм. Фистулохолангиография. Бемор И., 50 ёш. 12 ммгача кенгайган умумий ўт йўли, ҳамда контраст модданинг 5 ммгача кенгайган бош панкреатик йўлга рефлюкси кузатилади.

Диссертациянинг учинчи боби «**Билиар генезли панкреатитни ташхислаш ва клиник хусусиятлари**» деб номланиб, лаборатор ва инструментал методлар билан тўлдирилган клиник текширув натижалари асосида беморларнинг этиопатогенетик гуруҳлари ажратилган. Ушбу гуруҳлар 3-жадвалда келтирилган.


Холедохолитиаз билиар панкреатит бўлган беморларнинг 73 (62,9%) нафарида аниқланди. Уни ташхислаш комплекс равишда олиб борилди.

**Кенгайтирилган диагностик алгоритм қўллаш орқали текширув
натижалари асосида ажратилган беморларнинг гуруҳлари**


Этиопатогенетик гуруҳлар		Беморлар сони	
		абс.	%
Холедохолитиаз фонида юзага келган билиар панкреатит	Ўткир панкреатит	21	18,1
	Сурункали панкреатит	52	44,8
Микрохоледохолитиаз фонида юзага келган сурункали билиар панкреатит		17	14,6
Одди сфинктери дисфункцияси фонида юзага келган сурункали билиар панкреатит		26	22,4
Жами		116	100

Оғриқ синдроми ўткир ва сурункали билиар панкреатитнинг энг кўп учрайдиган клиник белгиларидан бири сифатида намоён бўлди. Бизнинг тадқиқотимизда оғриқ синдроми сурункали билиар панкреатитнинг 52 (71,2%) ҳолатида ва ўткир билиар панкреатитнинг 21 (28,8%) ҳолатида аниқланди. Ўткир билиар панкреатитда касалликнинг тўсатдан бошланиши ва яққол ифодаланган оғриқ синдроми, белбоғсимон характердаги ва спазмолитиклар томонидан бартараф этилмайдиган интенсив оғриқлар кузатилди. Айрим беморларда (n=9, 12.3%) оғриқ синдроми интенсивлиги юқори бўлганлиги сабабли ковак аъзолар тешилиши ва ўткир билиар панкреатитни қиёсий ташхислаш лозим бўлди. Сурункали билиар панкреатит бўлган 41 (56,2%) нафар беморда оғриқ синдроми кучли, ҳамда тез-тез қайталанганлиги сабабли, улар узоқ вақт давомида ностероид яллиғланишга қарши дорилар ва спазмолитиклардан фойдаланишга мажбур бўлган. Микрохоледохолитиаз фонида юзага келган сурункали билиар панкреатит 17 (14,6%) нафар беморларда аниқланди. Микрохоледохолитиаз фонида юзага келган билиар панкреатитнинг клиникаси макрохоледохолитиаздаги каби ёрқин кўринишга эга бўлмади. Барча беморларда сафро текширувида макроскопик сафро чўкмасидан иборат билиар сладж аниқланди. Ташхисни морфологик тасдиқлаш мақсадида, 12 (100%) нафар беморларда микролитлар мавжудлигини текшириш учун микроскопик текширув ўтказилди. Ўтувчи ёруғлик остида ўтказилган микроскопик текширув натижасида сафрода микролитлар аниқланди.

Кузатувларда микролитиазнинг 3–4 даражасига мос келувчи кристаллар сони аниқланди. Турли хилдаги тузилишга эга бўлган кристаллар 7 (58,3%) ҳолатда кузатилган. Қизил – жигар ранг куйқалар, ёки ёрқин – жигар ранг ёки қахраборанг тутамлардан иборат характерли гранулалар бўйича аниқланадиган алоҳида калций билирубинатнинг ўзи 6 (50,0%) нафар кузатувларда қайд этилди. Рангсиз, шаффоф, қирралари параллел бўлган, ўрта эгатчага эга тўртбурчак, поғонали ромбсимон тузилмалар кузатувларнинг 4 (33,3%) нафариди топилди (3,4-расм).



3 – расм. Сафро микрофотограммаси. Бемор С., 39 ёш. Ёруғлик микрокопияси (бўялмаган)




4 – расм. Сафро микрофотограммаси. Бемор А., 59 ёш. Ёруғлик микрокопияси (бўялмаган). Холестерин моногидрати ва калций билирубинат кристаллари кўрсаткич билан кўрсатилган

Шаффоф, рангсиз, ёки турли хилдаги ранглар жилосига эга бўлган карбонат калций кристаллари 2 (16,7%) ҳолатда аниқланди. Препаратда кристаллар сони бўйича калций билирубинат кристаллари устунлик қилди.

Одди сфинктерининг дисфункцияси 26 (100%) беморларда аниқланган бўлса, улардан 9 (34,6%) нафари операция қилинган, қолган 17 (65,4%) бемор эса консерватив даволанган. Умумий ўт йўли стриктураси ривожланиши натижасида юзага келган билиар гипертензия механик сариқлик, холедохоэктазия, холангит белгилари билан намоён бўлиб, 21 (80,8%) нафар беморда билиар панкреатит кечишини оғирлаштирди.

Аниқланган ўзгаришларни текшириш учун 22 (84,6%) беморда магнит-резонансли холангиопанкреатография қўлланилди. Умумий ўт йўли терминал қисмидаги чандиқли ўзгаришлар 9 (34,6%) беморда аниқланди, бундан ташқари, ушбу усулдан фойдаланиш 7 (26,9%) беморда панкреатобилиар гипертензия белгиларини аниқлаш, ўт йўллариининг анатомик вариантларини ўрганиш, ҳамда ўт пуфагидаги ҳамроҳ яллиғланиш табиатли ўзгариш белгиларини баҳолаш имконини берди.

ЭРХПГ дан фойдаланиш барча кузатувларда панкреатобилиар гипертензия белгиларини ташхислаш имконини берди, бу умумий ўт йўлининг 7 мм дан ортиқ ва бош панкреатик канал диаметрининг 3 мм дан ортиқ кенгайиши билан намоён бўлди (5,6-расм).



5 – расм. Магнит-резонансли холангиопанкреатография (Уч ўлчамли реконструкция). Бемор Т., 60 ёш. Катта дуоденал сўрғич соҳасидаги стриктура ва кенгайган бош панкреатик йўл (кўрсаткич билан белгиланган)



6 – расм. ЭРХПГ. Бемор Б., 59 ёш. Ретроград холангиографияда УЎЙ терминал қисмининг стриктураси контрастланади

Диссертациянинг туртинчи боби «Билиар панкреатит жарроҳлик давосини танлашга дифференциал ёндашув». Оператив даволаш 94 (81,0%) нафар беморларда ўтказилди. Жарроҳлик тактикасини аниқлаш, ҳамда операция усулини танлашда касалликнинг этиологик шаклига асосланди.

Ўткир билиар панкреатит 21 (28,8%) нафар беморда ташхисланди. Ўткир панкреатитда интоксикация даражаси 4 (19%) беморда енгил, 17 (81%) ҳолатда ўрта оғир даража деб баҳоланди. Холедохолитиаз фонида юзага келган ўткир билиар панкреатит бўлган 8 (38,1%) нафар беморга якуний жарроҳлик даволаш усули сифатида папиллосфинктеротомия бажарилди. Оператив аралашув барча ҳолатларда шифохонага ётқизилгандан кейинги илк 24 соат ичида бажарилди. УЎЙ нинг дистал қисмига текилиб қолган тош сабабли кучайиб борувчи механик сариқлик кечиктирилган шошилиш операцияга кўрсатма бўлиб хизмат қилди. Эндоскопик папиллосфинктеротомия, лапароскопик холецистэктомия ва УЎЙ ни дренажлаш 2 (9,5%) нафар беморда, шифохонада бўлишнинг дастлабки кунда симультан бажарилди. Даволашнинг ушбу тактикаси ўткир флегмоноз холецистит, ҳамда Фатер сўрғичига суқилиб қолган тош натижасида кучайиб борувчи механик сариқлик мавжудлиги сабабли танланди. Барча ҳолатларда оғриқ синдромининг камайиши, ёки бартараф этилиши, биокимёвий кўрсаткичлар (амилаза, билирубин, АЛТ, АСТ) нинг нормаллашиши билан намоён бўлувчи папиллосфинктеротомиянинг ижобий самарага дастлабки сутка давомида эришилди. Холецистэктомия, холедохолитотомия, умумий ўт йўлини ташқи дренажлаш ва кичик чарви халтасини дренажлаш холангит белгилари билан ўткир холецистит бўлган 7 (33,3%) беморга бажарилди. Ушбу операция лапароскопик усулда 4 (19,1%) нафар беморга ўтказилди. Холецистэктомиядан кейинги ушбу 11 (52,4%)


холатда операция қорин бўшлиғи ва чарви халтасини санацияси, ҳамда дренажлаш билан яқунланди.

Холелитиаз фонида юзага келган сурункали билиар панкреатит 52 (71,2%) нафар беморда ташхисланди. Холедохолитиаз фонида юзага келган ўткир билиар панкреатит бўлган 6 (11,5%) нафар беморга яқуний жарроҳлик даволаш усули сифатида папиллосфинктеротомия бажарилди. Жарроҳлик тактикаси дуоденоскопия, Фатер сўрғичи ампуласини транспапиляр кануляцияси, ҳамда папиллосфинктеротомиядан иборат бўлди. Ушбу беморларда сфинктерни кесиш учун ёнлама папиллотом қўлланилган бўлса, тошларни олиб ташлаш учун Дормиа саватчасидан фойдаланилди. Сурункали панкреатит билан беморларда операциядан олдин ўт пуфагида, ҳамда жигардан ташқари сафро йўлларида тош аниқланганда даволаш кўйидаги вариантларда ўтказилди. Кўп сонли йирик тошлар мавжуд бўлганда, ёки анатомик хусусиятлари сабабли 9 (17,3%) беморга холецистэктомия, холедохолитотомия, литоэкстракция, умумий ўт йўлини ташқи дренажлаш бажарилди. Лапароскопик холецистэктомия, умумий ўт йўлини ташқи дренажлашсиз папиллосфинктеротомия 30 (57,7%) беморда бажарилди. ЛХЭ с литоэкстракцией и дренированием ОЖП выполнена в 2 (3,8%) наблюдениях. Холелитиаз фонида юзага келган билиар панкреатитда холангит белгилар кузатилган кузатувларнинг 2 (3,8%) нафарида комбинирланган даво ЛХЭ, холангиография ва ўт йўлларини ташқи дренажлашдан бошланди. Беморларга интраоперацион холангиография ўтказилди. 3 (5,8%) нафар беморга ХЭ, холедохолитотомия ва холедоходуоденоанастомоз шакллантириш ўтказилди.

Лапароскопик холецистэктомия ва УЎЙ ни ташқи дренажлаш ўтказилган 12 нафар билиар генезли сурункали панкреатит бўлган беморларда микрохоледохолитиаз аниқланди. Барча кузатувларда операция вақтида аспирация қилинган сафро намуналарида микролитиазнинг 3-4 даражасига тўғри келадиган миқдордаги кристаллар аниқланди. Ўт йўлларининг декомпрессияси учун Пиковский дренажи қўлланилди. Барча беморларга 4 ҳафта давомида суткалик 500 мг дозада урсодезоксихолат кислота воситаларида даво ўтказилди. Дренажлар ўртача 1 ойдан кейин олиб ташланди. Дренажларни олиб ташлашдан олдин лаборатор ва инструментал текшириш усуллари ўтказилди. Назорат учун сафро микроскопияси барча 12 (100%) нафар беморларда ўтказилди. Ижобий динамика холестерин моногидрат, калций билирубинат ва калций карбонат кристаллари сонининг сезиларли даражада камайиши кўринишида қайд этилди. Даволаш фонида кристаллар сони микролитиазнинг 1-2 даражасига тўғри келди.

